



**MODELS AND METHODS FOR
INCREASING THE EFFICIENCY OF
INNOVATIVE RESEARCH**

INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE

CONFERENCE



ISOC

INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES

WWW.INTERONCONF.COM

**GERMANY
2023**



PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS

**PART 22
APRIL 2023**

Collection of Scientific Works

BERLIN 11 APRIL 2023



ISBN 978-955-3605-86-4

© Sp. z o. o. "CAN", 2023

© Authors, 2023

MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH: a collection scientific works of the International scientific conference (11 April 2023) - Berlin:2023. Part 22 – 205 p.

Editorial board:

Alexander Dietrich

ICRA 2021 Editors
German Aerospace Center (DLR)
Oberpfaffenhofen, Germany

Davide Scaramuzza

ICRA 2021 Editors
University of Zurich
Zurich, Switzerland

Tomohiro Kawahara

ICRA 2021 Editors
Kyushu Institute of Technology, Frontier
Research Academy for Young Researchers
Fukuoka, Japan

Barbara Caputo

ICRA 2020 Editors
Sapienza Rome University
Rome, Italy

Jana Kosecka

ICRA 2021 Editors
George Mason University,
Fairfax (VA), USA

Wolfram Burgard

ICRA 2018 Editors
Toyota Research Institute and University of
Freiburg
Freiburg, Germany

Languages of publication: Deutsche, English, Русский, Limba română, uzbek.

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference " MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH ". Which took place in BERLIN on 11- April, 2023.

Tagungsbände werden für Wissenschaftler und Lehrende an Hochschulen empfohlen. Sie können in der Ausbildung eingesetzt werden, einschließlich der Lehre im Aufbaustudium, der Vorbereitung auf den Erwerb von Bachelor-und Master-Abschlüssen. Die Begutachtung aller Artikel wurde von Experten durchgeführt, die Materialien unterliegen dem Copyright der Autoren. Für Inhalt, Prüfungsergebnisse und Fehler sind die Autoren verantwortlich.



TABLE OF CONTENTS	
Egamberdiev Azimjon Abdurasul ugli Turakulov Azambek Abdullaevich <i>OPEN SYSTEMS ARCHITECTURE</i>	7
Kamalova N.A. Vadenova Sh.S. <i>PEDAGOGIK QOBILIYATNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI</i>	11
Mansur Muminov Jo'ra o'g'li <i>AMAZONKALAR KIM VA ULARNING TARIXI</i> <i>HAQIDA</i>	21
Kadirova Dilfuza Alisherovna <i>THE USE OF PHYTONYMIC PRAISES IN ENGLISH</i>	26
Alinazarov Nasirkhan's son Nadirkhan <i>MILITARY PATRIOTIC EDUCATION IS A COMPONENT PART OF THE GENERAL</i> <i>EDUCATION OF YOUTH</i>	29
F.A.Gapparov, Sh.Sh.Yaxshiyev, Sh.G'.Nortayev <i>TO'DAKO'L SUV OMBORI YUZASIDAN BO'LANAYOTGAN BUG'LANISHNI OYLIK HISOBIY</i> <i>KATTALIGINI ANIQLASHTIRISH</i>	35
Акмалхонов Акмалхон Аҳмад ўғли, Акmalxonov Akmalxon Ahmad o'g'li <i>АРАБ ТИЛИДА ТУРЛАНМАЙДИГАН СЎЗЛАРНИНГ (□□□ □□ □□ □)</i> <i>СИНТАКТИК ТАЛҚИНИ</i>	42
Bektosheva Farangiz, Akamlxanov Akmalxon <i>ARAB TILIDA SINTAKTIK O'ZGARISH BELGILARI MASALASI</i>	45
Улуков Бехзод Караматович <i>ГЕЛЬМИНТОЗЫ ОВЕЦ</i>	48
Sarvar Abdumalikov <i>ETHICAL PROBLEMS OF ORGAN AND TISSUE TRANSPLANTATION</i>	56
Баймирзаев Жасурбек Бахтиер оглы <i>СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО МЕЖДУНАРОДНОМУ СОТРУДНИЧЕСТВУ</i> <i>В БОРЬБЕ С НАРКОМАНИЕЙ ОПЕРАТИВНЫМИ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯМИ ОРГАНОВ</i> <i>ВНУТРЕННИХ ДЕЛ</i>	64
Тўраева Лайло Омоновна <i>ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЖАНРИНИ БЕЛГИЛАШДА КАСБИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎРНИ</i>	72
Убайдуллаев Саидакбар Сайдалиевич <i>ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ЮРТЛАРИДАГИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК</i> <i>ТАРБИЯСИ</i>	77
Madaminjon Elmurod o'g'li <i>ISLOMDA ISMOILIYLIK TARMOG'I VA OQIMLARINING O'RNINI</i>	83
Байраева Д.А, Эркаев А.У, Адилова М.Ш, Эркинова С.Х <i>РЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ СУСПЕНЗИИ ХЛОРИДА КАЛИЯ ПОЛУЧЕННОГО ИЗ</i> <i>СИЛЬВИНИТА ТЮБЕГАТАНСКОГО МЕСТОРОЖДЕНИЯ</i>	87
Nag'matova Sanobar Farhod qizi <i>MIRZO ULUG'BEK-BUYUK O'ZBEK ASTRANOMI</i>	90
Есебаев Садык <i>КАРТИНЫ 20-30 ВЕКАХ В СОВЕТСКОМ МУЗЕЕ</i>	95
A.E.Rustamova, Boyqobilova Madina Umar qizi <i>IMPROVEMENT OF WRITING SKILLS OF HIGH SCHOOL STUDENTS</i>	98



ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЖАНРИНИ БЕЛГИЛАШДА КАСБИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Тўраева Лайло Омоновна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. *Ўзбек меҳнат фольклорида деҳқончилик қўшиқлари алоҳида ўрин тутади. Бу мавзуда яратилган халқ қўшиқларида касбга тегишли қадимий тушунчалар, иш қуролларининг номи, образи алоҳида ўрин тутадик, уларни ўрганиш орқали аждодларимизнинг шу соҳага оид маданияти тарихи билан яқиндан танишиш имконияти туғилади. Ушбу мақолада халқ қўшиқларида деҳқончилик касбига оид атамаларнинг бадиий ифодаси илмий талқин этилади.*

Калит сўзлар: *деҳқон, деҳқончилик, бўйинтуруқ, ооч, қўш, гаврон, галагов, матаб, чокар.*

Фольклор асарлари халқ ҳаётининг узоқ йиллик қомусидир. Унинг таркибий қисмини ташкил этувчи деҳқончилик қўшиқлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки деҳқончилик мавзуда яратилган халқ қўшиқларида бу касбга тегишли қадимий тушунчалар, иш қуролларининг номи, образи алоҳида ўрин тутадик, уларни ўрганиш орқали аждодларимизнинг шу соҳага оид маданияти тарихи билан яқиндан танишиш имконияти туғилади. Қолаверса, деҳқончилик қўшиқларининг ички мавзуий турларини аниқлаш учун уларда қўлланадиган касбий атамаларнинг ўрнини билиш жуда муҳимдир. Айтайлик, деҳқончиликка алоқадор қўш қўшиқларида кўпинча қўш, қўшчи, ооч, бўйинтуруқ, гаврон сингари сўзлар жуда кўп қўлланиши кузатилади. Шунга қараб бундай поэтик намуналар қўш қўшиқлари сифатида туркумланади:

Бўйнимда бор **бўйинтуруқ**,

Оочлари шарақ-шуруқ,

Оқшом борсам охур қуруқ,

Мен **қўш**га қандай ярайин?!

Ушбу мисраларда қўлланаётган “ооч”, “бўйинтуруқ”, “қўш” сўзлари ҳозирги тилимиз учун эскирган тарихий сўзлардир. Ўтмишда деҳқонлар ерни ооч қўшилган қўш (хўкизлар) ёрдамида ҳайдаганлар. Одатда, оочга бўйтерак ёғочдан ясалган бўйинтуруқ ўрнатилиб, унга хўкизлар қўшилган. Бир қўш хўкиз билан бир кунда ўртача 1-2 таноб (ярим гектаргача) ер



ҳайдалган. Ҳозирги пайтда эса деҳқонлар ерни тракторлар ёрдамида ҳайдамоқдалар. Шундай бўлса-да, ўтмишда яратилган деҳқончилик ҳақидаги қўшиқларда бу сўзлар сақланиб келмоқда.

Деҳқончилик қўшиқларида деҳқонлар қўллайдиган ўроқ, кетмон, бел, паншаха каби иш қуролларининг номи кўп учрайди. Бироқ баъзан уларда гаврон ҳам худди иш қуролининг номи сифатида учраши кузатилади:

Қобирғам бор вассадай,
Гаврон ясарлар ҳассадай.

Гаврон деҳқончилик қўшиқларида шу касбга алоқадор сўз вазифасини ўташига сабаб шуки, қўш ҳайдашда у муҳим аҳамият касб этади. Зеро гаврон орқали қўшга қўшилган ҳўкизлар ишлашга даъват этилади, бошқарилади.

Ўроқ – деҳқонларнинг асосий иш қуролларидан бири. Барча донли экинлар, беда ва хашак ўроқ билан ўрилган. Маҳаллий ўроқлар деярли бир хил, фақат катта-кичиклиги ва тиғининг шакли билан фарқланган. Шунинг учун ўрим қўшиқларида у **“Ўроғим қайқи”**, **“Ўроғим ҳаққон”** сингари жумлалар билан алоҳида образлантирилганлигини кўриш мумкин. Ўрим қўшиқларининг жанрини белгилашда унда кўп қўлланадиган ўроқ образи ҳамда ўриладиган донли экинлар номи алоҳида эътиборга олинади.

Деҳқончилик поэзиясида “Хўп-майда қўшиқлари” алоҳида ўрин эгаллайди. Бу туркум қўшиқларда кўпинча хўп, хўпчи, галагов, матов сингари сўзлар қўлланади.

Майда дедим, хўп дединг, майда-ё, майда,
Хўпга майлим йўқ дединг, майда-ё, майда,
Галаговга қўшганда, ҳо майда-ё, майда,
Кўргилигим кўп дединг, майда-ё, майда.

Галагов деганда, дони ажратилмаган буғдойни янчиш учун от, ҳўкиз, эшак каби бир неча иш ҳайвонининг йўғон ёғоч устунга ёнма-ён **матаб** боғланиши тушунилади. Бунда ҳайвонлар галаси доира шаклида ёйилган буғдойни изма-из босиб, янчадилар. Галаговга доннинг бир текис янчилишини таъминлаш мақсадида тут, қайрағоч каби қаттиқ дарахт шохларидан тўқилган чокар боғлаб қўйилган. Шунинг учун янчиқ қўшиқларида, албатта, чокар номи ҳам тилга олинади:

Орқангдаги **чокаринг**,
Деҳқон сенинг новкаринг,
Майда қилсанг мой босар,
От ўрнини той босар.



Айрим кўшиқларда деҳқонлар кўллайдиган сўз ва иборалар учрайди. Бунга “буғдой чошлаш”, “обло барака”, “барака кесаги” кабилар мисол бўлади. Улар орқали кўпинча деҳқончиликка алоқадор маросим ҳамда урф-одатларнинг номи атаб келинади. Табиийки, бу бирикмаларни деҳқон бўлмаган аҳоли тушунмайди. Уларнинг кўлланилиши кўшиқнинг мазмундорлигини ва таъсирчанлигини, бадийлигини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, деҳқонлар орасида «буғдой чошлаш» деган бир одат мавжуд. Хирмонга уюлган ғарамлар галаговдан чиқарилиб, буғдой донлари сомондан ажратиб олинган, хирмонда қип-қизил чош ҳосил бўлади. Чошни махсус ғалвир билан ўртага тўплайдилар ва тоза дондан бир ғалвир тўлдириб олиб хирмондаги чошни айлангириб оладилар.

Хоразмлик деҳқонлар хирмонланган донни сомондан ажратиб, чош қилингандан кейин буғдой чошининг устига кесак кўядилар ва уни *Хизр кесаги*» еки «*барака кесаги*» деб атайдилар. Хирмондаги буғдойни қопларга солиб, уйга ташигандан кейин ҳам “барака кесаги” ни ташлаб юбормайдилар. Уни буғдой солинган қопларнинг устига кўядилар ва келаси йил ўрим-йиғим вақтигача асрашга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон ҳудудидаги зироатчилик суғориш хусусиятлари ва экин турлари билан фарқланади. Масалан, суғорма деҳқончиликни маҳаллий аҳоли “сувли ер”, “тирама” ёки “обикор”, “оби”, суғорилмайдиган ерларни “лалми” ёки “баҳори” деб номлаганлар. Эътиборли томони шундаки, бундай атамалар ҳам халқ кўшиқларида учрайди:


Чархгинам ул пояси, бул пояси,
Лалмидан кўринади ёр сояси
Лалмидан кўринса ёрнинг сояси,
Ўзим бўлай оқ салласин сепояси.

Деҳқончиликда, одатда, буғдой, жўхори, арпа, шоли, пахта сингари экинлар экилишидан олдин ерларга кузда ишлов бериб тайёрланган, яъни далалар шудгорланган. Халқ кўшиқларида бунга қуйидагича ишора қилинади:

Шудгор танобин тортиб ўс,
Кўш ҳайдаймиз баҳор ва куз,
Атрофимиз дала ва туз.
Юр жонивор, хўш жонивор.

Ўзбекистонда қадимдан деҳқончилик ишларида энг кенг тарқалган ковлагич қурол кетмондир. Айниқса, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент воҳасида ер ишларининг барча турларида кетмон ишлатилган. Далачилик ва полизчилик экинларини чопиқ қилишда ва суғоришда,





боғдорчилик ва узумчиликда, ерга ишлов бериш ва йўлларни тузатишда, қурилиш ва бошқа ишларда кетмон асосий қурол бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун кетмон номи нафақат деҳқончилик қўшиқларида, бошқа маиший қўшиқларда ҳам учрайди:

Меҳнаткаш боши ганг бўлди,

Қайғу, ғам, кулфатга тўлди.

Раҳм қилмас кўз ёшига,

У тоб бермас зулм ишига.

Кетмон бериб ўр қаздирди

Қари қартанг чол кишига.

Ёки:

Тенг ўсганим жўнаса,

Узатайин, ёр-ёр.

Кетмон олиб йўлларини

Тузатайин, ёр-ёр.

Хуллас, деҳқончилик қўшиқларида бу касбга алоқадор атамалар алоҳида ўрин тутди. Деҳқончилик қўшиқларининг табиатини, жанрини, ички мавзуйий турларини аниқлашда эса уларнинг аҳамияти каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

2. Жўраев М. Деҳқон дала айланди. // Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009, 194-212-бетлар.


3. Ураева Д. С., Назарова Г. П. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҚУШЛАР ОБРАЗИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2020. – Т. 3. – №. 4.

4. Saidahmedovna U. D., Qizi R. G. B. Beliefs About the" Tree of Life" in Uzbek Folklore //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.

5. Saidahmedovna, Uraeva Darmon, and Rustamova Gavhar Bahron Qizi. "Beliefs About the" Tree of Life" in Uzbek Folklore." *Middle European Scientific Bulletin* 8 (2021).

6. Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS//Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.





7. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV // Конференции. – 2020.

8. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK // Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.

9. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs // Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 47-49.

10. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature // Religación. – Т. 4. – С. 170-174.

11. Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE // European Scientific Conference. – 2020. – С. 139-141.

